



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR  
**№35**

**CONFERENCES.UZ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”  
2-ҚИСМ**

---

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»  
ЧАСТЬ-2**

---

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF  
UZBEKISTAN»  
PART-2**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]**

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари”** мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 22 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



## **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

## **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

## **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

## **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

## **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

## **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

## **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

## **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

## **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

## **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

## **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

## **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

## **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

## **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР**

|                                                             |    |
|-------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Алиматова Наргис Абдухалиловна</b>                    |    |
| РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ .....          | 7  |
| <b>2. Ҳамдамов Ислоҳ Акрамович</b>                          |    |
| МИРЗО УЛУҒБЕК ФАЛАККИЁТШУНОС ОЛИМ. ....                     | 9  |
| <b>3. S.A.Elmuradova</b>                                    |    |
| ЎТИМОИЙ ТАЪЛИМНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАХЛИЛИ .....                   | 14 |
| <b>4. Бозоров Мустафо Жабборович</b>                        |    |
| МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ..... | 16 |
| <b>5. Меликова М.Н</b>                                      |    |
| ИДЕИ ГУМАНИЗМА В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ АЛИШЕРА НАВОИ .....      | 18 |
| <b>6. X.S.Ashurova</b>                                      |    |
| TURKISTONDA ЎТИМОИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ .....            | 20 |



## ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

### РАҚОБАТБАРДОШЛИК ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

Алиматова Наргис Абдухалиловна  
Ф.ф.н., ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси доценти  
телефон: +998909954030  
e-mail: nargis2207@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда олий таълим тизимида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг илғор ОТМлари жаҳон рейтингларида юқори ўринларни эгаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар, яъни хорижий олий таълим муассасалари билан рақобатга киришмоқдалар. Мақолада олий таълим тизимида рақобатбардошликни ошириш омили бўлган кўшимча касбий тайёргарликнинг аҳамияти ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** рақобат, рақобатбардошлик, олий ўқув юртининг рақобатбардошлиги, битирувчининг рақобатбардошлиги, кўшимча касбий тайёргарлик.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш назарда тутилади [1].

Ўзбекистон олий таълим тизими ташқи муҳит ноаниқлигининг юқори даражасидаги постиндустриаликтисодиёт шароитида етарлича мураккаб шароитни ўзбошидан кечирмоқда. Юқорида келтирилган ўзига хосликлар олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларини чуқурроқ ўрганишни, рақобат устунлигини ошириш йўллари кидириш, етарлича фаол қўлланилмаган мавжуд воситалардан унумлироқ фойдаланишни тақозо этади.

Айтиш керакки, “рақобат” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари замонавий иктисодий адабиётда ўрганилган ва турлича қарашлар бўлса-да, улар бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдириб келади. Масалан, М.Портер “Халқаро рақобат” деб номланган асарида: “Рақобат-янги товарлар, маркетингнинг янги йўллари, янги ишлаб чиқариш жараёнлари ва янги бозор сегментлари пайдо бўладиган динамик ва ривожланувчи жараён, узлуксиз ўзгарувчи ландшафт,”-деб таъриф беради [2,24]. Кўпчилик ҳолларда “рақобат” категориясига субъект томонидан ўз рақобат устунлигини самарадор ишлатиш ёрдамида лидерлик позициясига эришиши, деб қаралади.

Мисол учун Р.А. Фатхутдинов: “Рақобат-бу табиий ҳолатда ёки қонунлар доирасида объектив ва субъектив эҳтиёжларни қондириш учун рақобатчилар билан курашда ғалабага эришиш ё бошқа мақсадларда субъект томонидан ўз рақобат устунлигини бошқариш жараёни,”-деб таърифлайди [3,9]. Ўз навбатида “рақобатбардошлик”ни мусобақада ғолиб бўлиш имконияти, мувозанат, сифат, бозор шароитида фаолиятнинг ишончлилиги ва самарадорлиги билан боғлайдилар. Р.А. Фатхутдинов “рақобатбардошлик” деганда “мавжуд бозордаги объектнинг ўзига ўхшаш объектлар билан таққослаганда аниқ эҳтиёжни реал ва потенциал қондириш даражаси билан характерланадиган хусусияти”ни тушунади [4,23]. Майкл Портер эса рақобатбардошликни товар хизмат ёки бозор муносабатлари субъектининг бозорда мавжуд бўлган товарлар, хизматлар ва бозор муносабатлари субъектлари билан тенг намоён бўла оладиган хусусияти, деб тавсифлайди. [5,480]. Кўп тадқиқотчилар (М. Гельвановский, А. Голик, М. А. Лукашенко) “олий ўқув юртининг рақобатбардошлиги” тушунчасини “битирувчининг рақобатбардошлиги” термини билан боғлайдилар. Р.Фатхутдинов “олий таълим муассасасининг юқори малакали мутахассислар



тайёрлаш имкониятларига, олий таълим муассасаси фаолиятининг барча соҳаларидаги ривожига урғу бериб, рақобатбардошликни муассасанинг ички ва ташқи меҳнат бозорида рақобат курашига дош бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш қобилияти; ўз соҳасида рақобат қила оладиган янгиликларни яратиш; фаолиятининг барча соҳаларида самарадор қайта ишлаб чиқариш сиёсатини олиб бориши,”-деб таъриф беради [4,37]. Ўз навбатида А.Петерсонс олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини қуйидагича таърифлайди: “Олий таълим муассасасининг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатидаги шундай ҳолати, бунда кўрсатилаётган таълим хизматларининг тегишли сифати, истеъмолчиларнинг қониқиши ва таълим муассасасининг ижтимоий эътирофи; амалга оширилаётган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг долзарблиги ва амалий аҳамияти; таълим муассасасининг академик, шу жумладан халқаро ҳамжамиятга интеграцияси; ахборий ва моддий-техник базанинг тараққиёти; жамоанинг ижтимоий барқарорлиги ва унинг олий таълим муассасасини бошқаришдаги иштироки таъминланади” [6,81]. Одатда олий таълим муассасасининг рақобатбардошлиги икки йўналишда кўриб чиқилади: ташқи ва ички меҳнат бозорида рақобат курашига дош бера оладиган мутахассислар тайёрлаш ва таълим фаолиятининг рақобатбардош янгиликларини ишлаб чиқиш.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасасининг рақобат устунлигини шакллантириш мураккаб мақсадни ўз ичига олади: асосий ва қўшимча касбий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатини кенгайтириш; минтақа меҳнат бозори талабларига мос равишда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш; илмий ва таълим салоҳиятининг ошиши; янги таълим технологиялари ва таълим услубларининг жорий этилиши; олий таълим муассасасининг оптимал структурасининг яратилиши; олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини давлат ва касбий стандартлар талабларига мос равишда такомиллаштириш.

Қўшимча касбий таълим тизими ҳозирги даврда нафақат конкрет олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини ошириш воситаларидан бири, балки мутахассисларнинг (меҳнат бозорининг) жамият ҳаёти турли соҳаларидаги ўзгаришларга мослашиши ҳисобига минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши асоси ҳамдир. Айнан қўшимча касбий таълим истеъмолчи, иш берувчи ва давлат манфаатларини, касбий таълимнинг турли даражалари ва иқтисодиёт тармоқлари, иш берувчи талаблари, таълим хизматлари истеъмолчиларининг хоҳишларини боғловчи бўғиндир.

Охириги йилларда Ўзбекистон олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар билан кишки таътил ҳамда дарсдан бўш вақтларида ахборот технологиялари, масофавий таълим платформаларини, янги педагогик технологияларини ўрганиш, SCOPUS ва Web of science каби халқаро илмий маълумотлар базаларига кирувчи журналларда мақолалар чоп этиш кўникмаларини шакллантириш бўйича махсус курслар ташкил этилмоқда. Бу эса профессор-ўқитувчиларни ўз устида ишлаши ва жаҳон илмий ҳамжамиятига интеграциялашиши, дарс машғулотлари ҳамда ўз навбатида мутахассислар тайёрлаш сифатининг ошишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қўшимча касбий таълим тизими олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини ошириш омили бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони 09.10.2019 йил
2. Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993. 895 с.
3. Фатхутдинов Р. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. М: ИНФРА-М, 2000. 312 с.
4. Фатхутдинов Р. Управление конкурентоспособностью вуза // Высшее образование в России. 2006. № 9. С. 37–38.
5. Портер М. Конкуренция. М.: Издательский дом «Вильямс», 2002. 496 с.
6. Петерсонс А. Корпоративная культура негосударственного вуза как фактор обеспечения устойчивого развития // Труд и социальные отношения. 2008. № 3. С. 79–84.
7. Дочкин С.А. Конкурентоспособность вуза как результат развития системы дополнительного профессионального образования. Научные сообщения. Научно-теоретический журнал. Выпуск 1(34) 2018, 1-9 с.



**МИРЗО УЛУҒБЕК ФАЛАККИЁТШУНОС ОЛИМ.**

**Хамдамов Ислон Акрамович,**  
Самарқанд давлат чет тиллар институти  
+998933566284

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада Темурийларнинг машҳур вакили ҳукмдор ва астроном олим Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти, мадрасалари, расадхонаси, фаолият кўрсатган олимлар, илмий меросини ўрганган қатор олимлар ҳақида фикр юритилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** “Зиж”, расадхона, мадраса, Мирзо улуғбек, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчи, ренессанс, Жон Гривс, Томас Ҳайд, Седийо, Нобл.

Мирзо Улуғбек ҳукмдор бўлишига қарамасдан илм-фан ва санъатга меҳр қўйган эди. Жумладан, ҳукмдор бўлиш баробарида астроном, математик, тарихчи, файласуф, мусиқачи, шоир каби буюк иқтидор соҳиби эди. Мирзо Улуғбек<sup>1</sup> 1394 йилда Султония (ҳозирги Эрон ҳудуди) шаҳрида, Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлари даврида туғилди. Мирзо Улуғбек Шохрух Мирзонинг ўғли бўлиб, дастлаб Муҳаммад Тарағай исми берилган ва кейинчалик Улуғбек деб аталган. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро курашларда Темурнинг кенжа ўғли Шохрух мирзо ҳокимиятни қўлга олди. Шохрух Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳукумдори эди. Шохрух даврида асосий пойтахт Ҳирот бўлиб, Самарқанд иккинчи даражали пойтахт бўлиб ўғли Мирзо Улуғбек бошқарди. Аммо бу даврда фақат Самарқандда илм-фан ривожланган деган фикрдан келишимиз нотўғри бўлади. Чунки ушбу даврда Ҳиротда ҳам илм-фан маданият ривожланган шаҳарга айланган. Мирзо Улуғбекнинг отаси Шохрух Ҳиротда ўз атрофига руҳонийларни тўплаб олган бир пайтда, ўғли Мирзо Улуғбекнинг давлат бошқаруви, ҳокимиятга қараганда кўпроқ илм-фанга иштиёқи кучли эди. Мирзо Улуғбекнинг бошланғич таълими ва устозлари ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Улуғбек дастлаб бувиси Сароймулк хоним қўлида, кейинчалик оталиқ амир Шох Малик қўлида тарбияланган. Таниқли математик ва тарихчи олим А.Аҳмедов фикрига кўра Амир Темурнинг саройидаги энг йирик олимлардан бири Мавлоно Аҳмад Улуғбекка дастлабки астрономияга оид билимларни берган бўлиши мумкин<sup>2</sup>. Аммо Мирзо Улуғбекнинг ўзининг “Зиж” асарида Қозизода Румийни “устозим” деб атайди. Улуғбек ёшлигиданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида ўз даврининг йирик олимларидан бирига айланди. Ўз даврининг машҳур олими Ғиёсиддин Жамшид отасига ёзган мактубида Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятини қуйидагича таърифлайди: “Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, Ислон подшоҳи ( Мирзо Улуғбек ) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у киши Қуръони Каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у киши фикрдан анча хабардорлар, мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар”. Мирзо Улуғбекнинг илм-фанга қизиқиши туфайли деярли бир вақтда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этди ва мадрасаларга олимларни тўплай бошлади. Айниқса Самарқанд мадрасаси ва астрономик мактабига бобоси Амир Темур давридаёқ илм-фан билан шуғулланаётган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар таклиф қилинади. Қозизоданинг Румий маслаҳати билан Улуғбек Хуросондан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртиради. 1420 йилга келиб Самарқанд мадрасасининг очилиши арафасида Мовароуннаҳр ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони юздан ортиб кетади. Айнан Самарқанд бобоси Амир Темур даврида салтанатнинг пойтахти сифатида машҳур бўлган бўлса, Мирзо Улуғбек даврида шарқнинг улкан илм-фан ва маданият маркази сифатида муҳим аҳамият касб этди. Мирзо Улуғбек қадимги юнон олимларидан Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель),

<sup>1</sup> Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. – Тошкент: О’ЗБЕКISTON, 2011. – Б 3.

<sup>2</sup> Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. – Тошкент: О’ЗБЕКISTON, 2011. – Б 28.



Иббархус (Гиппарх), Батлимус (Птолемей - Чор мақола ёки Самара, юнонча Карпос)<sup>1</sup> ва Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Насриддин Тусийларнинг (Китоби самара)<sup>2</sup> асарларини таҳлил қилиб зомондошларига етказган. Академик В.В. Бартольднинг таъкидлашига кўра “ислом оламида Улуғбеккача ҳеч бир подшоҳ олим бўлмаган”<sup>3</sup>. Марказий Осиё олимларидан Зайниддин Восифий “Бадоиъ ул-вақоиъ”<sup>4</sup> асарида таъкидлашича мадрасага мударрис этиб мавлоно Шамсуддин Мухаммад Хавофий тайинланади. Мадрасада Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи, Мирзо Улуғбек каби машҳур олимлар марузалар қилганлар. Мирзо Улуғбек ташкил қилган Самарқанд мадрасаси ва олимлар жамоаси Шарқ ва ғарб илм фани тарихида улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақига, шунингдек, кўплаб халқларнинг маънавий-маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Жумладан Мирзо Улуғбек академиясида шарқнинг машҳур ижодкори Абдурахмон Жомий таҳсил олган. Самарқанд мадрасаси олимлари аниқ ва табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар билан шуғулланган, аммо энг ривожланган илмий тадқиқот йўналишлардан бири астрономия фани эди. Мирзо Улуғбеккача юлдузларнинг астрономик жадвалини Клавдий Птоломей эрамизнинг II асрида Мисрнинг Искандария шаҳрида тузган бўлиб, бу жадвалда 1029 та юлдузларнинг самодаги координатлари берилган. Ислом оламида Мирзо Улуғбекдан аввал Шерозда Абдурахмон Сўфий (X аср) “Турғун юлдузлар сураглари” номли юлдузлар жадвалида 1017 та юлдузни, Абу Райхон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” ва Насриддин Тусийнинг “Зижи Элхоний” асарлари астрономияга бағишланган эди. Марказий Осиёда мўғул босқинидан кейин бирорта фалаккиётшуносликка оид тадқиқот ишлари ва асарлар ёзилмаган эди. Шу мақсадда Мирзо Улуғбек Самарқандда мадрасадан ташқари 1424-1429 йиллар ичида улкан расадхонани бунёд эттирди ва астрономик кузатишларни олиб борди. Жумладан, тарихчи Абу Тохирхўжа “Самария” асарида, “Мадрасага асос солинганидан тўрт йил кейин Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, Кўҳак тепалигида Оби Раҳмат ариғининг бўйида расадхона биносини қурдиради. Унинг атрофида эса баланд хужралар барпо этади”<sup>5</sup>. Мадраса ва расадхонанинг ўзаро биргаликдаги илмий фаолияти Мирзо Улуғбек илмий мактабида астрономия ва математика фанларининг ривожланишига сабаб бўлди. Мирзо Улуғбек ҳукмдор бўлишига қарамасдан бир қатор илмий асарлар яратган. Мирзо Улуғбекнинг астрономияга оид “Зижи жадиди Гурагоний”, математикага оид “Рисолайи Улуғбек”, “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, тарихга оид “Тарихи арбаъ улус” каби фақатгина тўрт асаригина бизгача етиб келган. Мирзо Улуғбекнинг астрономик кузатишлари Искандария, Боғдод ва Дамашқда бошланган астрономик кузатишларни давом эттирсада, уларга нисбатан назарий ва амалий жиҳатдан мукамал, илмий аниқлиги билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар фикрига кўра “Зиж” сўзининг маъноси катта ҳажмдаги маълумотларни ўзида жамлаганлиги учун ушбу асар арабча “Зиж”, форсча “Зик”, туркийча “Зич” деб айтилган. “Зиж” асари икки қисмдан: муқаддима ва 1018 қўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва жойлашиши аниқлаб берилган астрономик жадваллардан иборат. Юлдузлар жадвали 1437 йилда тузилган. Эътиборли томони, муаллиф асарнинг кириш қисмида Қуръони каримдан юлдузлар, сайёраларга оид оятларни қайд этади ва келтирилган илмларни назарий ва амалий жиҳатдан дунёвий билимларга боғлиқ, адекват (ўхшаш, мос) эканлигини таъкидлаб ўтади. Бугунги тадқиқотчилар “Зиж” асари Мирзо Улуғбекнинг ўзи томонидан ёзилганми ёки бошқалар томонидан ёзилганми каби қарашларни илмий жамотчилик ўртасига ташлайди. Аммо “Зиж” асарининг кириш қисмида бу саволга жавоб сифатида қуйидаги маълумотларни қайд этиш зарур: “Сўнг, парвардигор бандаларининг фақиру ҳақири, улардан Аллоҳга энг интилувчиси Улуғбек ибни Шохрух ибни Темур Кўрагон бундай дейди”. Демак ушбу

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Илму Нужум. Таржимон, изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1994. – Б 3-19.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. Илму Нужум. Таржимон, изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1994. – Б 20.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Улуғбек и его время / Сочинения, М.: Наука 1964- Т. II. Ч. 2. – С 134-146.

<sup>4</sup> Зайниддин Восифий. Бадоиъ ул-вақоиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. - 288 Б.

<sup>5</sup> Абу Тохирхўжа Самарқандий. Самария. - Тошкент: Камалак, 1991.- 336 Б.



жумладан кўринадики, “Зиж”нинг муаллифи Мирзо Улуғбекнинг шахсан ўзи бўлган<sup>1</sup>. Аммо Мирзо Улуғбек асарни яратишда кўплаб олимлар илмий қарашларидан ва меҳнатидан ҳам фойдаланганлигини қуйидаги фикрларидан билишимиз мумкин. Жумладан, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчилар “Зиж” илмий-амалий асарини яратилишида иштирок этган. Йирик олим Жамшид Коший Самарқандга 1416 йили келиб, “Зиж”нинг назарий қисмини араб тилига таржима этганлигини қайд этган. Демак, Мирзо Улуғбек дастлаб “Зиж”нинг назарий қисмини, сўнг жадвални узоқ амалий кузатишлар натижасида тузиб чиққан. Улуғбек “Зиж” асарини устози Қозизода Румий билан бошлаган бўлса, шогирди Али Қушчи иттифоқлигида ниҳоясига етказди. “Зижи жадиди Гурагоний” асарининг мазмунига эътибор қаратсак биринчи қисми – “Таърих – хронологиянинг маърифати” деб номланиб етти бобдан иборат ва йил ҳисоблари, тақвим масалаларига бағишланган. Асарда исломда йил ҳисоби – “ҳижрий” эра, “суръений” – юноний эра, “жалолӣ” эра, “хитой” ва “уйғур” эра, “форсий” – қадимий эралар, туркий мучал йиллари қиёсий ўрганилган ва келтирилган йил саналарни турли халқлар тақвимлари бўйича мослаштирилиб муҳим саналар ҳақида фикр юритилиб, муфассал баён этилган. Иккинчи қисми – “Вақтлар ва унга тааллуқлик нимарсалар” деб номланиб йигирма икки бобдан иборат бўлиб, математика ва сферик астрономия ҳақида фикр юритилади. “Зиж”нинг иккинчи ва учинчи бобларида асосан математикадан синуслар ва тангенслар жадваллари келтирилади. “Зиж”нинг тўртинчи бобида Улуғбек эклиптиканинг (тутилиш, қуёшнинг ҳаракатланиш йўли, фалак ул-бурж) осмон экваторига (муъаддал ун-наҳор) оғиш бурчагининг миқдорини (ўлчов, шакл) келтиради. Бу ҳақда муаллиф “Зиж”да қуйидаги фикрларни келтиради: “Бизнинг кузатишимизча, энг катта оғиш (яъни эклиптиканинг осмон экваторига оғиши) бурчагини йигирма уч даража ўттиз дақиқа ўн етти сония топдик”. Улуғбек томонидан топилган бу вақт ўлчови, ўз даври учун юқори даражадаги аниқлик эди. Таъкидлаш керакки, бу бурчакнинг миқдори барча давр коинатшунослари учун катта аҳамиятга эга бўлиб, юлдузлар ва яшаш жойларининг аниқ координатларини топиш шу бурчак ўлчови миқдорига боғлиқ эди. Асарнинг учинчи қисми ўн уч бобдан иборат бўлиб, фақат фалаккиётшуносликка бағишланиб, Қуёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракатлари ҳақида фикр юритилган. Зиждаги асосий астрономик жадваллар айнан шу бобларда келтирилган. Жумладан, “Турғун юлдузларнинг узунлама ва кенглама бўйича ҳолатларини аниқлаш” деб аталган юлдузлар жадвалидир. Мирзо Улуғбек “Зижи жадиди Гурагоний” асарининг бошқа “Зиж”лардан фарқини кўрсатиш учун унинг қуйидаги фикрларини таъкидлаш зарур. Муаллиф таъкидлашига кўра: “Птолемейгача бўлган астрономлар бир минг йигирма икки юддузнинг ҳолатини аниқладилар. Птолемей эса уларни олтига катталик бўйича тартиблаб, ўз “Алмажистий”сида келтирди. Уларнинг энг каттаси – биринчи катталикда, энг кичиги эса олтинчи катталикдадир. Ҳар бир катталикни у уч қисмга ажратди. Уларни бир-биридан фарқ қилиш учун қирқ саккиз юлдуз туркумига жойлаштирди. Уларнинг йигирма биттаси фалак ул-бурждан (эклиптика) шимолда, ўн икkitаси фалак ул-буржда ва ўн бештаси фалак ул-бурждан жанубда жойлашади. Бу юлдузлардан айримлари шу юлдуз туркумларининг ўзида, айримлари эса туркумдан ташқарида жойлашади. Бу кейингиларни юлдуз туркумларининг ташқи юлдузлари деб ҳисобланади. Абдурахмон Сўфий турғун юлдузларни аниқлаш тўғрисида махсус китоб ёзган, барча кишилар унга мурожаат қиладилар ва уни қабул этадилар. Биз эса юлдузларнинг осмон куррасидаги ҳолатини кузатишимизга қадар улар ҳақида Абдурахмоннинг китобидагига асосланардик. Бироқ ўзимизда кузатганимиздан кейин баъзи юлдузларнинг ҳолати унинг китобидагига мос келмаслигини кўрдик. Аллоҳ бизнинг кузатишларимизга таовун берганидан сўнг, бу юлдузлар ва бошқа юддузларнинг ҳолатлари Абдурахмоннинг айтганига зид эканлигининг шоҳиди бўлдик. Биз бу юлдузларни ўз кузатишимизга мос келган ҳолда куррага жойлаштирганимизда эса кузатганимизга ҳеч зид келмаганлигини кўрдик. Биз бунга имонмиз. Биз барча юлдуз туркумларидаги юлдузларни кузатдик. Демак Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвали ўз даври учун аниқликда энг мукамал жадвал бўлган. Ушбу жумлалар, Мирзо Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида юлдузлар харитаси ва осмон глобуси ясалган деган илмий хулосага олиб келади. “Зиж”нинг “Юлдузларнинг доимий ҳаракати” деб номланган тўртинчи қисми икки бобдан иборат ва у асосан астрономияга бағишланган. Мирзо Улуғбек “Зиж”и ўз даври

<sup>1</sup> Аҳмедов А. e-tarix.uz сайти: <http://www.e-tarix.uz/shaxslar/482-ulugbek.html>



учун мукаммал астрономик асар бўлиб, асосан амалий қўлланишга мўлжалланган эди ва шу сабабли тезда фалаккиётшунос олимлар орасида шухрат топди. “Зиж”ни дастлаб Самарқанд мадрасаси олимларидан Али Кушчи сўнгра Мирам Чалабий ва Ҳусайн Биржандийлар илмий шарҳлайди. Дастлаб Шохруҳ, сўнгра Мирзо Улуғбекнинг фожиали ҳалокати, темурийлар ўртасидаги ўзаро низолар туфайли Мовароуннахрнинг етук олимлари Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетди. Олимлар ўзларининг илмий ютуқлари қаторида “Зиж” асарининг асл нусхаларини ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Жумладан, Али Кушчи 1473 йили Туркияга бориб, у ерда расадхона барпо этиб “Зиж” асарини Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ, Туркия ва Европа мамлакатларига ёйилишига сабабчи бўлди. Бугунги кунда дунё кутубхоналарида “Зиж”нинг бир юз йигирмага яқин форсий ва арабий нусхалари мавжуд. Ўрта асрларда яратилган математика ва астрономияга оид бирор асар “Зиж” каби машҳур бўлмаган. Ушбу асар исломий мамлакатларининг катта қисмида ўрганилган ва шарҳланган. Таниқли олим Б.А. Розенфельднинг таъкидлашича “Зиж”ни қуйидаги олимлар турли даврларда шарҳлаган: Шамсиддин Муҳаммад ибни Абул Фатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (XV), Абулқодир ибни Рўёний Лаҳижий (XV-XVI), Мирам Чалабий (XV-XVI), Абдулалли Биржандий (XV-XVI), Ғиёсиддин Шерозий (XV-XVI) каби олимлар асарни ўрганиб ўз тадқиқотларида фойдаланиб шарҳлар ёзган. Тадқиқотчилар фикрига кўра Ҳиндистонда “Зиж” асари Заҳириддин Муҳаммад Бобур орқали тарқалганлини исботловчи айрим далилларни тадқиқотларида қайд этишган. Бобурий ҳукмдорлар Самарқанд олимлари анъаналарини давом эттириб, атрофига олимларни тўплаб астрономия ва математикага оид илмий ишларни давом эттирадilar. Ҳинд фалаккиётшунослари Самарқанд мадрасаси олимларига тақлид қиладилар. Жумладан, Шох Жаҳон ҳукмдолиги даврида Лаҳор ва Деҳлида илмий фаолият билан шуғулланган Фаридиддин Масъуд ал-Деҳлавий (XVI-XVII) “Зижи Шох Жаҳоний” номли астрономияга оид асар ёзади ва илмий маълумотлар, жадвалларни катта қисмини Улуғбек “Зиж”идан кўчириб олади. Бундан ташқари Савой Жай Синг (XVII-XVIII) “Зижи Муҳаммадшоҳий” асарини ёзишда Мирзо Улуғбек “Зиж”идан фойдаланган. Амир Темур ва темурийлар салтанати, айниқса Мирзо Улуғбек ҳақида Ғарбий Европа халқлари ва мамлакатлари XV асрданоқ биларди. “Зиж”нинг Ғарбий Европа илм-фанига ҳам таъсири етарли даражада катта бўлган. Айниқса Али Кушчининг Туркиядаги фаолияти туфайли Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби ҳақидаги хабарлар Европа илмий жамоатчилигига кенг тарқалди. 1638 йили Оксфорд университети шарқшунос профессори Жон Гривс Истамбулга ташриф буюради ва Мирзо Улуғбек “Зиж”ининг нусхасини Англияга олиб кетади. Жон Гривс 1648 йили Британияда “Зиж”даги 98 юлдуз ва географик жадвални, 1650-1652 йили “Зиж”ининг айрим қисимларини лотин тилида нашр эттиради. 1665 йили Инглиз шарқшуноси Томас Ҳайд “Зиж”даги турғун юлдузлар жадвалини форсча ва лотинчада чоп этади. Ушбу нашрларнинг қизиқ томони Ҳайд ва Гривс бир бирининг илмий ишларидан бутунлай беҳабар бўлишган. 1680-йили поляк олими Ян Гевелий Данцигда “Зиж”нинг айрим қисимлари ва жадвалларини чоп этади. 1847-1853 йилларда француз шарқшуноси Л.А. Седийо “Зиж”нинг айрим қисмларини француз тилида нашр этади. Америкалик олим Э.Б. Нобл 1917 йил Вашингтонда Британияда сақланаётган “Зиж”нинг йигирма саккиз қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалини инглиз тилида чоп этади. Мирзо Улуғбек “Зижи жадиди Гурагоний” асари турли даврларда ўрганилишига қарамай бирор замонавий тилларга бутунлай таржима этилмаган. Мустақиллик шарофати билан 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Тошкентда “Зижи жадиди Гурагоний”<sup>1</sup> асари рус тилида ва “Тарихи арбаъ улус”<sup>2</sup> асари ўзбек тилида нашр этилди. Мирзо Улуғбек фалаккиётшуносликка оид асарлардан ташқари тарихий асарлар ҳам ёзган. Унинг 1425 йили “Тарих-и арбаъ улус” номли асарида XIII-XV асрлар мўғуллар империясининг емирилиши бутун темурийлар салтанати эгаллаган халқлар ва мамлакатлар ҳақида маълумотлар беради. Мирзо Улуғбек ибратли воқеалардан ҳикоя қилувчи ривоятлар ва шеърлар ҳам ёзганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг “Рисолаи Улуғбек” деб

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек Мухаммед Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони. Новые Гурагановы астрономические таблицы. Вступительная статья, перевод комментарии и указатели А. Ахмедова. Т.Изд. «Фан». Академии Наук Республики Узб. 1994.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи”. Б. Ахмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида, форсчадан Б.Ахмедов, Н.Норкулов, М.Ҳасановлар таржимаси. – Тошкент.: Чўлпон, 1994.-352 Б.



аталган асари ҳозир Ҳиндистоннинг Алигарх кутубхонаси сақланиб, ҳозиргача ўрганилмаган<sup>1</sup>. Шу тариқа Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва маданият юксак даражада тараққий этди. Бу даврни таниқли олим Н.И. Конрад “Мусулмон ренессансининг сўнгги даври ва умуминсоният ренессансининг бир қисми” деб атайди. Бугунги кунда Мирзо Улуғбекнинг маънавий мероси бўйича янги тадқиқотлар ўтказиш, илмий асарларини нашр эттириш олимларимиз олдидаги долзаб вазифалардан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. - Тошкент: Камалак, 1991.
2. Аҳмедов А. e-tarix.uz сайти: <http://www.e-tarix.uz/shaxslar/482-ulugbek.html>
3. Аҳмедов А. Улуғбек. – Т.:Фан, 2005; Аҳмедов А. Улуғбек. –Т., 1991; Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. – Т., 1994.
4. Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. – Тошкент: О’ЗБЕКИСТОН, 2011.
5. Бартольд В.В. Улуғбек и его время / Сочинения, М.: Наука 1964.
6. Зайниддин Восифий. Бадоиъ ул-вақоиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
7. Мирзо Улуғбек Муҳаммед Тарағай. Зиджи джадиди Гурағони. Новые Гурагановы астрономические таблицы. Вступительная статья, перевод комментарии и указатели А. Ахмедова. Т.Изд. «Фан». Академии Наук Республики Узб. 1994.
8. Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи”. Б. Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида, форсчадан Б.Аҳмедов, Н.Норкулов, М.Ҳасановлар таржимаси. – Тошкент.: Чўлпон, 1994.
9. Мирзо Улуғбек. Илму Нужум. Таржимон, изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад. – Тошкент.: Абдулла Қодирий, 1994.

<sup>1</sup> Аҳмедов А. Улуғбек. – Т.:Фан, 2005; Аҳмедов А. Улуғбек. –Т., 1991; Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. – Т., 1994.



## IJTIMOIY TA'LIMNING FALSAFIY TAXLILI

**S.A.Elmuradova**

SamDChTI Gumanitar fanlar va axborot  
texnologiyalar kafedrası o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Maqolada, jamiyat taraqqiyotining muhim bo'g'ini bo'lgan ta'limning ustuvorligi va ahamiyati falsafiy tahlil qilingan. Taraqqiyot yo'lidagi har qanday jamiyatning asosiy konsepsiyasi bu ta'lim va ta'lim tizimining tizimlashtirilgan mafkurasining o'zini haqida borgan.

**Kalit so'zlari:** ta'lim, tarbiya, jamiyat, ijtimoiylashuv, shaxs, individ

**Аннотация:** В статье философски анализируется приоритетность и значение образования, важной части развития общества. Основная концепция любого общества на пути к развитию заключалась в роли системной идеологии этого образования и системы образования.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, общество, социализация, индивид, индивид

**Abstract:** The article philosophically analyzes the priority and importance of education, an important part of the development of society. The main concept of any society on the way to development was the role of the systemic ideology of this education and the education system.

**Keywords:** education, upbringing, society, socialization, individual, individual

Har qanday jamiyat taraqqiyoti va unda kishilarning yashash faoliyati uchun zarur bo'lgan ijtimoiy imkoniyatlarning yaratilishi kabi masalalar bugungi kunda ham dolzarb muammolardan biri sanaladi. Aynan ta'lim tizimi ham aloxida ahamiyatga ega bo'lgan tizimlardan hisoblanadi.

Yurtimizda olib borilayotgan isloxotlar natijasi o'laroq mamlakatimizning o'tgan yillaridagi mentalitetida ijtimoiy ta'limni tushinish mafkuraviylashtirilgan tarbiyadan, ta'limni ijtimoiy – siyosiy maqsadlar bilan chegaralab qo'yilgan tizim deb, tasavvur qilishdan iborat edi. Bugungi jamiyatdagi o'zgarishlar ta'limga ham, jamiyatga ham, ularning o'zaro aloqasiga ham qarashlarni ancha kengaytirib bormoqda. Ta'lim jamiyatlariga multimadaniy tizim deb, qaraladigan bo'ldi. bu tizimlarda jamiyat har bir individdan yuqori turib, uning rivojlanishini belgilamaydi, balki turli individlar birgalikda hayot kechiradigan, turli odamlarning birgalikdagi harakatlari amalga oshadigan jonli makon deb hisoblanadi. Bunga guruhlar: ota – onalar (bolalar bilan birga); ta'limning konkret shakllaridan manfaatdor bo'lgan ishbilarmon odamlar va tadbirkorlar; o'z ta'limini takomillashtirishdan va o'z bilimlarini rivojlantirishdan manfaatdor bo'lgan hamma odamlar (ya'ni, mutaxassislar va mutaxassis bo'lmaganlar) kiritilishi mumkin.

Ijtimoiylashtirilgan ta'lim ikki inson o'rtasidagi muomala madaniyatini shakllantiradi, hayotning ma'nosini va yunalishlarini aniqlashga, jamiyatda o'z o'rnini topishga, o'z imkoniyatlarini chamalab ko'rishga imkon beradi. Tabiiy – ilmiy ta'lim inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatni, uning tabiiy rivojlanish tamoyillari va qonuniyatlarini hamda o'zlashtirishning maqsadga muvofiq usullarini o'tkazadi. Bu o'qitish va tarbiyalash maqsadi, mazmuni, metodi va vositalarini aniqlashda hal qiluvchi rol uynaydi. U tarbiyalavchi va tarbiyalanuvchi o'rtasida ta'lim jarayonidagi o'zaro munosabatlarida o'zgarish yasaydi, o'quvchilar faolligi va mustaqilligini oshirish o'zini o'zi kashf etishining sub'ekti bo'lib qoladi. Ta'limni ijtimoiylashtirish o'qitish sub'ekti – o'quvchiga o'z qobiliyati va ichki imkoniyatlarini ochishga yordam beradi. Milliy dasturning ijtimoiy mazmuni tufayli ta'limda yangi qadriyat o'z ifodasini topadi. Tarbiyalanuvchining shaxsiy qiziqishlari va intilishlari birinchi o'ringa chikadi, bunda ta'lim oluvchi o'z imkoniyatlarini to'la ochishga moyassar bo'ladi.

Mazkur muammoda insonparvarlik ta'limi bilan ijtimoiylashtirish o'rtasidagi munosabat muhim ahamiyatga ega. Bu nafaqat masalaning mohiyatini belgilash uchun emas, balki ayni vaqtda ta'limda boshlangan ijtimoiy o'zgarishlarni amalga oshirishda va hayotga joriy etish yo'llari va vositalarini aniqlashda ham muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Xulosa o'rnida, aynan ijtimoiy ta'lim va tarbiya – tashabbuskor guruhlar, hamjamiyatlar, jamoalar, odamlarning o'zini o'zi boshqaradigan uyushmalar, hayoti va ixtiyoriy faoliyatining bir qismi sifatida muntazam ravishda ta'limni tashkil etish konsepsiyasi va amaliyotini tashkil etadi.



Ijtimoiy ta’lim konsepsiyasini quyidagi xolatda ko‘rish mumkin: birinchidan, - u ayrim odamlarda va guruhda o‘z kuchlariga ishonishni va ularga taya’nishni rivojlantirishga qaratilgan; ikkinchidan, - hamjamiyat bilan birgalikda va hamjamiyat uchun ta’limning variantliligi prinsiplari asosida amalga oshirilayotgan o‘zluksiz ta’limni qo‘llab – quvvatlaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Ataxanova S. Innovatsion ta’lim jarayonida tafakkur // “Sog‘lom avlod uchun” ilmiy-ommabop jurnal materiallari. 2014, №5. - 5 b. Abdiraxmonova Z.A. O’smir yoshdagi o‘quvchilarda sanogen tafakkurni rivojlantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. Diss. avtoref. .... 2020. 8 b.
2. Morozyuk S.N. Sanogennaya refleksiya kak faktor optimizatsii aksentuatsiy xaraktera i povыsheniya effektivnosti uchebnoy deyatel’nosti. Dok. psixol. Nauk ... diss. M. 2001. – 21 s.
3. Vasileva T. N. Formirovaniye sanogennogo myshleniya mladshego shkolnika: Ucheb. posobiye / - Kaliningrad: Kaliningr. gos. un-t, 1997. – 46 s.
4. Rossoxin A.V. Lichnostnaya sanogennaya refleksiya v izmenennykh sostoyaniyax soznaniya. Avtoref. dokt. diss. M., 2009. – 10-13 s.



## МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

**Бозоров Мустафо Жабборович**

СамДЧТИ «Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялар»  
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди  
+998972885414

**Аннотация.** Мақолада миграция жараёнларини ўрганишнинг долзарблиги, унинг глобал муаммолар билан боғлиқлиги, ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти эканлиги, фалсафанинг миграция жараёни ўрганишдаги роли, инсоннинг миграцион жараёнларга нисбатан муносабати масалалари тадқиқ қилинган.

**Таянч иборалар.** Миграция, муаммо, ижтимоий феномен, глобал, тарих, социология, демография, фалсафа.

Миграция муаммоси дунёдаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда миграция тўғрисида тасаввурга эга бўлмаган одамни учратиш қийин деб айтиш мумкин. Аммо шунга қарамайдан миграция муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар уни тартибга солиш мушкуллиги, бу ижтимоий феноменнинг моҳиятини тушунишда яхлитлик йўқлиги, ўрганишда эса бир хил ёндашув мавжуд эмаслигини эътироф этадилар.

Анъанага кўра, миграция одамларнинг янги яшаш жойига ўрнашиб олиш билан боғлиқ ҳаракатларини ўз ичига олган. Ҳозирги глобallasув шароитида улар нафақат шиддатли характер касб этди, балки хилма-хил ҳам бўлиб қолди. Бу эса «миграция» атамаси доирасини кенгайтириш заруратига олиб келди. Ҳозирги вақтда миграция аҳолининг иш, ўқиш, туризм, тижорат фаолияти билан боғлиқ вақтинчалик ҳаракатларига тобора кўпроқ сабаб бўлмоқда. Миграция нафақат давлатлараро, балки давлат ичкарисида бўлиши ҳам мумкин.

Глобалмиграцияқитъалар ўртасида содир бўлиб, шаҳарлар ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Миграциянинг аҳоли шаклланиши ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги роли тобора кучайиб бормоқда. Шуни инобатга олиб, XXI асрни «глобал миграция асри» деб аташ мумкин.[1;70]

Бу мураккаб феноменни ўрганишга барча ижтимоий ва гуманитар фанларнинг вакиллари ўз эътиборларини қаратадилар. Жумладан, тарихчилар учун ўрганиладиган асосий масалалар аниқ жойлар ва даврлар билан боғлиқдир. Антропологлар этнографик тадқиқотлар концепциясига эътибор қаратишга мойилдирлар. Асосан антропологларнинг назариялари конкрет эканлигини таъкидлаш зарур. Демографлар учун асосий савол демографик ўзгаришларнинг моҳиятини аниқлашдан иборатдир. Демографлар асосан умумий маълумотларга таяниб миграция оқимларининг моҳияти, модели ва йўналишини ҳамда мигрантларнинг (ёш, жинс, касб, таълим ва бошқалар) хусусиятларини тадқиқ қилмоқдалар.[2;37-39]

Аҳоли миграцияси ва инсоният жамиятининг бутун ривожланиш даври ва ижтимоий институтлар билан узвий боғлиқдир. Миграция ижтимоий-тарихий шароитлар билан белгиланадиган ижтимоий тизим ва маданиятнинг аниқ бир феномени сифатида инсоният жамиятининг мавжудлиги ва ривожланишининг объектив эҳтиёжларига хизмат қилади ва инсон мавжудлигининг жамоавий характерини таъминлайди. Миграция шу тариқа ижтимоий диалектиканинг намоён бўлишидир ва шунинг учун у фалсафада тадқиқот мавзусига айланади. Бир томондан, миграция инсон билан бевосита боғлиқдир. Булар жисмоний тириклик муаммоси, рухий ва маънавий маданиятнинг бирлиги, шахс ва ижтимоий мавжудотининг тарихдаги ўрни масаласидир. Лекин ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи инсон ва унинг ўзига хос хусусиятларидир.

Миграцияни фақат одамларнинг тўплами сифатида эмас, балки ижтимоий алоқаларнинг аниқ тизими сифатида ижтимоий фалсафа нуктаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, маълумки, айрим илмий муаммоларга нисбатан турли нуктаи назарларнинг мавжудлигини кўпинча оддийгина изоҳлаш мумкин. Булар турли фанларда бир хил тушунчаларнинг ишлатилишидан ва бир хил атамалар турли тушунчаларга нисбатан қўлланилишидан келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолда, фалсафафани тадқиқотларидан тарих, социология, демография соҳасида фойдаланиш мумкин. Чунки миграция жараёнларини фалсафий концепциясиз таҳлил қилиш мумкин эмас. Миграция жараёнларининг фалсафий



тахлилини қўллашнинг бошқа соҳалари ҳам мавжуд. Айниқса, турли мамлакатлар барқарор ривожланиш шароитида миграция турли аксеологик тамойилларга йўл кўрсатиши ҳам мумкин [3;70]

Умуман олганда миграциянинг фалсафий томони унинг зарурий ва кадрият хусусиятларини, динамик ва статик тажрибасини, турли шахсий трансформацияларини аниқлаштиришдан иборат бўлиб, у кўчиш ҳақидаги ҳозирги барча билимларни интеграл тизимга бирлаштиришга қодир бўлган фалсафий тадқиқотларнинг ўзига хослигидир. Бинобарин, миграция ижтимоий диалектиканинг намоён бўлиши, бу ижтимоий фалсафада тадқиқот учун мавзу сифатида идрок қилиш имконини беради. Онтологик маънода олганда миграция нафақат географик ҳудудлар қидиришдан иборат эмас балки, «ўзи» учун ҳам тирик қолиш ва янги ҳолатлар учун шарт-шароит яратиш сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, миграция жараёнларини ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо қилади бу жараён мукамал концепцияни яратиш имконини бериши мумкин.

#### **Библиография:**

- 1.Рязанцев С.В., Боженко В.В. Миграция в условиях глобализации./ Народонаселение № 4. -2010. с. 70.
- 2.Кэролайн Б., Бреттелл и Жеймс Ф. Холлифилд. Теория миграций. /Методология и методика изучения мииграционных процессов. Междисциплинарное учебное пособиеИнтердисциплина дарслик. Таҳрири: Зҳанна Заиончкова, Ирина Молодикова, Владимир Мукомел.Москва. 2007. С. 37-39.
- 3.Самофалова Э.И. Методология анализа образовательной миграции в социальной философии в отечественной мысли./ Вестник Томского государственного университета. Философия. Социология. Политология. 2019. № 50.



## ИДЕИ ГУМАНИЗМА В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ АЛИШЕРА НАВОИ

Меликова М.Н..

доктор философии (PhD), доцент СамГИИЯ

e-mail: martaba.m@rambler.ru

+998915350608

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются гуманистические идеи в духовном наследии великого поэта и мыслителя Востока Алишера Навои. Показано, что идеи гуманизма проникли во все произведения мыслителя, что связывает его труды с гуманистическими воззрениями великих философов и мыслителей того времени.

**Ключевые слова:** гуманизм, философия, духовное наследие, духовная культура, душа человека, путь к истине.

**Annotation.** This article examines humanistic ideas in the spiritual heritage of the great poet and thinker of the East Alisher Navoi. It is shown that the ideas of humanism penetrated all the works of the thinker, which connects his works with the humanistic views of the great philosophers and thinkers of that time.

**Key words:** humanism, philosophy, spiritual heritage, spiritual culture, human soul, the path to truth.

Основное содержание гуманизма Навои составляют проблемы, связанные с подлинным бытием человека, отношением к нему как венцу творения, воспитанием его духовных и творческих сил и способностей, любовью к окружающей природе, воспеванием ее величия, восхищением и наслаждением ее красотой. В его основе лежит гимн человеческому разуму и его созидательному труду. Поэтому гуманизм Навои - это не абстрактная любовь к человеку, не только добрые чувства, сочувствие к чужому горю — он выступает как принцип особого подхода к человеку с учетом его личного достоинства, стремление видеть в нем носителя высшей ценности — разума, обладающего свободой воли и собственными критериями жизненных ценностей, представлением о путях достижения счастья. Эти особенности гуманизма воплощены в художественных образах героев его произведений (Александра, Фархада, Маджнуна, Бахрама, Лайли и Ширин), которые не просто выражают свое сочувствие и сострадание угнетенным и униженным, а активно выступают в их защиту, борются с социальным злом, полны решимости сражаться за справедливость и счастье людей.

Основной лейтмотив творчества Навои — глубокие раздумья о человеке и его духовном мире, размышления о мироздании и смысле жизни — рассматривается сквозь призму понятий «любовь» и «красота». Красота в своей чувственно-воспринимаемой форме, в отличие от абсолютной красоты, олицетворяющей собой божественное начало в мире, ассоциируется с видимым миром, а любовь выступает как движущая сила и средство постижения красоты. Поэтому красота доступна только тем, кто смотрит на мир чистым взором и имеет чистое сердце. Этой идеей проникнута вся лирика поэта [1]. В ней эти два начала — любовь и красота — органически сливаются. В трактовке поэта-мыслителя любовь — это одухотворенная моральная сила, очищающая человека от накипи страстей и пороков, воспитывающая его в духе высоких моральных принципов, наставляющая на путь благородства, мужества духа и испытаний в верности, требующая активного проявления человеком своих способностей и духовных сил. Такая любовь требует от человека самосовершенствования и самопознания, обрекает его на множество мук и страданий. Именно такой любовью окрылены герои Навои Фархад, Маджнун, Лайли, Ширин.

В его поэмах органически сочетается идеальное с реальным, нередко идеальное противопоставляется реальному. У Навои реальное — то, что подвергается критике, подлежит сомнению, отрицанию, а идеальное — это мир воображаемый, созданный в соответствии с его нравственным и социальным идеалами. Идеальное, выступающее антиподом реального, противопоставляется существующей действительности. Внутренний, скрытый смысл поэм — изображение идеального мира, мира справедливости и взаимопонимания, мира согласия и гармонии, мира любви и добродетели, в котором добро всегда одерживает победу над злом. В понятиях «любовь» и «красота» отражаются все сложные человеческие отношения, духовный мир человека, его внутренние переживания [3].



Внешний сюжет поэмы — история трагической любви, бытующий в преданиях народов Востока. В описании любви Навои передает тончайшие эмоционально-психо-логические переживания героев, их внутренний мир, показывает характерные картинки жизни современного ему феодального общества: бесправное положение женщины, родоплеменные распри и предрассудки произвол и деспотизм правителей. Фантастическо-романтические приключения здесь сочетаются с элементами реализма. В идеальном мире Навои земная жизнь изображается с позиции долженствования (идеала) морально-эстетическом плане, мир показан в соответствии с идеалом поэта.

Произведения Алишера Навои проникнуты любовью к людям, которых он призывает к добрым делам, к сотрудничеству и взаимопониманию, наставляет правителей и их сановников на путь добра и справедливости. В них полно и убедительно выступает лирический герой Навои — поэт-философ, поэт-мыслитель, поэт-гуманист, мечтавший о царстве просвещения и нравственных добродетелей, о наступлении эры справедливости и всеобщего благоденствия [1,2,4,6].

Идеи гуманизма, лежащие в основе всей творческой и практической деятельности Алишера Навои и ставшие основополагающим принципом всей его жизни, определяет живучесть и бессмертие его поэтического творчества, объясняет близость и созвучность его идей чувствам и мыслям наших современников, нашим сегодняшним поискам.

#### **Библиография:**

1. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Т. 1968.
2. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Смятение праведных. Том III. Т. 1968. 271 с.
3. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Фархад и Ширин. Т IV. Т. 1968. 408 с.
4. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Стена Искандара. Т VII. Т. 1968. 414 с.
5. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Язык птиц. Т VIII. Т. 1968. 344 с.
6. Алишер Навои. Собрание сочинений в 10 томах. Возлюбленный сердец. Т X. Т. 1970. 198 с.



## TURKISTONDA IJTIMOIIY OMILLARNING SHAKLLANISHI

X.S.Ashurova  
SamDCHTI

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada jadidchilik va ijtimoiy axvolining tarixiy jarayoni shuningdek, bu xolatning natijasida jamiyatning ijtimoiy-ma'naviy qiyofasi ilmiy tahlil qilingan. Rossiyadan yuz minglab och-yalang'och mujiklarni o'lkaga ko'chirib keltirganligi va hosildor yerlarga, yerli aholini yashab turgan joylaridan haydab chiqarib, o'rislarni joylashtirilganligi ochib berilgan. Kelgindi o'ris mujiklari yerli xalqqa nisbatan boy bo'lishi kerak! degan shior Rossiya mustamlakachilik siyosatining asosini belgiladi va ularga yaxshi yashash uchun hamma shart-sharoitlar yaratib berilgani taxlil qilindi.

**Kalit so'zlar:** jadidchilik, tarix, ijtimoiy xolat, ko'chirish, ilm, ozodlik, farovonlik, maorif, ta'lim.

**Аннотация:** В статье научно анализируется исторический процесс процветания и социального благополучия, а также социально-духовность общества в результате. Выяснилось, что сотни тысяч голодных голых моджахедов из России были переселены в страну и что они были изгнаны с плодородной земли, жителей земли и руды. Ижажда будет богата по отношению к людям земли. Лозунг определил основы российской колониальной политики и проанализировал кровь создания всех условий для того, чтобы они жили хорошо.

**Ключевые слова:** ремесло, история, социальный статус, миграция, наука, свобода, процветание, образование, образование.

**Abstract:** The article scientifically analyzes the historical process of prosperity and social well-being, as well as the socio-spirituality of society as a result. It turned out that hundreds of thousands of hungry naked mujahideen from Russia had been resettled in the country and that they had been expelled from fertile land, land and ore. Izhazd will be rich in relation to the people of the earth. The slogan defined the foundations of Russian colonial policy and analyzed the blood of creating all the conditions for them to live well.

**Key words:** craft, history, social status, migration, science, freedom, prosperity, education, education.

Jadidchilik, mohiyat e'tiboriga ko'ra, maorifni tubdan isloh etishdan boshlangan bo'lsa-da, mazkur davrda yuzaga kelgan har bir ijtimoiy-siyosiy hodisa jadidlar ta'siri doirasida bo'lgan. To'la ishonch bilan aytish kerak, usuli jadid maktablari ochish zaminida ham siyosiy masala - istiqloq, millatni mustamlaka zulmidan ozod qilish, taraqqiy topgan, farovon millatlar qatorida ko'rish g'oyasi hukmron edi. Chunki jadid mutafakkirlari faoliyati zaminida antikolonial maqsadlar, milliy istiqloq g'oyasi yotar ediki, bu g'oya oq va qizil imperiyaga birday ma'qul emas edi. Sho'rolar hukumati ularga qarshi nihoyatda dahshatli - ham jisman, ham ma'nan yo'q qilish siyosatini olib bordi va yigirma yil ichida ularning deyarli hammasi qatag'on qurboni bo'ldilar. Faqat Vatanimiz mustaqillikka erishgandan keyingina ma'naviy-ma'rifiy hayotimizda ham tub sifat o'zgarishlar amalga oshirildi: markazdan kelgan andozalar asosida emas, bor haqiqatni aytish, o'z tariximizni o'zimiz yaratish imkoniyatiga ega bo'ldik. Jadidchilik harakati, uning tub mohiyati, buyuk rahnamolari va namoyandalari haqida keng ko'lamda ilmiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Umuman olganda jadidlar o'z faoliyatlarida zamonaviy ta'lim maskanlari, hatto oliy o'quv yurtlari (oliy madrasalar) tashkil qilish kerakligini uqtirdilar.

Rossiya mustamlakachilik siyosati Angliya, Fransiya mustamlakachilik siyosatidan ancha farq qilar edi. Ular ichki Rossiyadan yuz minglab och-yalang'och mujiklarni o'lkaga ko'chirib keltirdilar, hosildor yerlarga, yerli aholini yashab turgan joylaridan haydab chiqarib, o'rislarni joylashtirdilar: ana shu tarzda, 1906-1913 yillarda Turkistonda 116 ta rus posyolkasi vujudga keldi. Bu posyolkalarni tashkil etgan mujiklarning 36,7 foyizi hech qanday mulksiz, 60,9 foyizi esa, hatto sariq chaqasiz kelgan edi. Bu siyosat ayniqsa sho'rolar davrida avjga chiqdi. "Kelgindi o'ris mujiklari yerli xalqqa nisbatan boy bo'lishi kerak" degan shior Rossiya mustamlakachilik siyosatining asosini belgiladi va ularga yaxshi yashash uchun hamma shart-sharoitlar yaratib berildi. Mustamlaka hukumati yerli aholini ruslashtirish, o'z nufusini o'lkada mustahkamlash, yerli aholini feodal qoloqlikda ushlab turish uchun shu o'ris kelgindilarga suyandi. 1907 yilning oxirlarida Turkiston o'lkasiga sayohat qilgan, o'lkaning Buxoro, Samarqand, Toshkent, Farg'ona,



Qo‘qon kabi yirik shaharlarida bo‘lib, ularning yetakchi ziyolilari bilan yaqin muloqotda bo‘lgan, chor Rossiyasining Turkistonda olib borayotgan dahshatli mustamlakachilik siyosatini o‘z ko‘zi bilan ko‘rgan tatar yozuvchisi, ma‘rifatparvar noshiri, Peterburgda “Ulfat” gazetasining muharriri Abdurashid qozi Ibrohimov o‘z esdaliklarida yozib qoldirgan edi: “Toshkand bundan nihoyat qirq yil muqaddam bir musulmon mamlakati bo‘lib, bugun Rusiyaning bir viloyati va umum Turkiston ham Farg‘ona va Sirdaryo viloyatlarining markazidir. Toshkand xorijda bir shahar deb tasavvur qilinsa ham, bu yerda u ikki mamlakat kabi ikki dahaga bo‘lingan, bir shahar bo‘lgani holda ikki xil idoraga bo‘linur: ya‘ni u Rusiya dahasi, ahli islom dahasi deb yuritilur. Rus Toshkandida g‘oyat tartibli bino va savdo uylari, tekis uylar, elektr nurlarida sayr qilib yurishlar Ovro‘poning bir namunasidir. Ammo islom Toshkandi aksincha, bundan besh yuz yil avval qanday ahvolda bo‘lgan bo‘lsa, hamon o‘sha ahvoldadir, ilk bahorda, bahor oxirida shahar ichidagi uylardan piyoda yurib o‘tishning ham iloji bo‘lmay qoladi.

Buni hatto so‘z bilan ham ta‘riflab bo‘lmaydi, chunki bu yo‘llarda faqat ot-ulov bilangina yurish mumkin bo‘lib qoladi. Holbuki, bir shahardir. Umum aholisining asosiy qismi musulmonlardir. Daromad asosan musulmon qismidan olinur. Faqat xristian idoralariga sarf qilinur. Hokimiyat quvvati ruslarda, mamlakat daromadi va yerga egalar ham ulardir, rus qismlaridagi yo‘llarga umum daromaddan pul ajratiladi, ammo islomiy qismdagilarning yo‘llari nima bo‘lsa bo‘lsin, bir so‘m ham sarflamaydi, na bir tekis yo‘l, na bir chiroq bor, hech vaqo yo‘q... Haqiqatni yana ham ochiq anglamoq uchun bu yerda quyidagi fikrni ko‘raylik: Toshkand aholisi jami 200000 kishi hisobidan bo‘lib, bulardan 18 foyizi xristianlar, boshqasi musulmonlardir. Toshkand shahar idorasida jami 72 a‘zodir, bulardan 24 musulmonlar, qolganlari xristiandir. Shu holda insoniylik va tenglik, o‘zaro muomala-munosabatlar qayerda qoldi”[1.37.], deb ta‘kidlaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Abdurashid Ibrahim, 20 Asrin Boslarinda Islam Dunyasi va Japonya‘da Islamiyet. Istanbul, 1987, s. 37-38.
2. X.S.Ashurova. Samarqand jadidlarining ijtimoiy-siyosiy qarashlari (XX asrning birinchi choragi): falsafa fanlari doktori (PhD) diss. -S.: 2020. -150b.

# **“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”**

**(2-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---